# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 3 октябрь, № 194 (5614) Чоршанба


## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

# АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан, 1-2 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Ўзбекистон ва Туркманистонни узоқ асрларга тақалувчи тарихий яқин муносабатлар, халқларимизни муштарак маданий ва маънавий қадриятлар, ўхшаш тил, анъана ва урф-одатлар боғлаб туради.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган музокаралари чоғида томонлар мамлакатларимиз манфаатлари муштарак эканлигини ва икки давлатда ҳам кенг кўламли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун сиёсий хоҳиш-ирода мавжудлигини, шунингдек, муҳокама қилинган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга деярли барча муаммолар юзасидан Ўзбекистон ва Туркманистоннинг позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин эканини тасдиқладилар.

Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида вазиятнинг шиддат билан ўзгараётганини, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатларини ҳисобга оладиган бўлсак, буларнинг барчаси алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис икки давлат раҳбарлари терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва бу борада биргаликда чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида темир йўллар барпо этиш, ҳаётий муҳим инфраструктураларни яратиш, электр энергияси ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш ишига амалий ҳисса қўшмоқда.

Музокараларда минтақа сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ушбу масала бўйича умумий позицияни баён қилдилар — сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида гидроэнергетика мажмуаларини барпо қилиш БМТ конвенцияларида мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ амалга оширилиши шарт, деган тамойилдан келиб чиқиб иш юритиш лозим. Ушбу ҳужжатлар трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланишда атроф-муҳитга ва қўшни давлатлар манфаатларига зарар етказмаслик тамойилига амал қилишни талаб этади. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, гидроиншоотлар қурилиши лойиҳасини нуфузли халқаро экспертизадан ўтказиш зарур.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Савдо муносабатларининг ўсиши хусусида гап кетганда 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 69 фоиз ошиб, 500 миллион АҚШ долларига яқинлашганини таъкидлаш жоиз.

Томонлар давлат изчил қўллаб-қувватлаб турса, ўзаро савдо ҳажмини икки мамлакат манфаатлари йўлида янада кўпайтириш яхши истиқболларга эга эканига ишонч билдирдилар.

Транспорт коммуникациялари ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркманистон яхши интеграциялашган автомобиль ва темир йўл тизимига эга бўлиб, бу Марказий Осиёни Европа ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш учун Кавказ минтақаси билан боғлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Икки мамлакат жамоатчилиги ва санъат усталари иштирокида дўстлик фестивалларини ўтказиш Ўзбекистон ва Туркманистон маданий ҳаётида яхши анъанага айланди. Бундай тадбирлар халқларимизнинг маънавий ва маданий жиҳатдан янада яқинлашишига катта ҳисса қўшмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик шартномаси, Ўзаро етказиб беришлар тўғрисидаги битим, Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2013 — 2014 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Қўшма баёнотда икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш, икки қардош давлатнинг аввал эришилган келишувларни самарали амалга ошириш мақсадида давлатлараро ва ҳукуматлараро ўзаро ҳамкорлик механизмларини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга бўлган интилишдан қониқиш ҳосил қилаётганини таъкидланган.

Ҳужжатда томонларнинг савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари ўз ифодасини топган. Марказий Осиёда сув-энергетика муаммолари, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан мамлакатларимизнинг ягона позицияси қайд этилган.

Иқтисодий ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни, жумладан, ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, товар ва хизматлар етказиб бериш ҳажми ҳамда турларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон билан Туркманистон бизнес-тузилмалари вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни ўрнатиш учун қулай шарт-шароит яратиш орқали ҳамкорликни янада фаоллаштиради. Бундан ташқари, томонлар ташқи бозорларга чиқиш мақсадида транспорт коридорлари ва магистралларни диверсификация қилиш, учинчи мамлакатлар юкларини транзит қилиш учун қулай шароитлар яратишга доир ишларни давом эттиради.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутувчи Ўзаро етказиб беришлар тўғрисидаги шартнома ҳар икки давлат вазирликлари, идоралари, ташкилот ва корхоналарининг ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган. Бошқача айтганда, мамлакатларимиз товарларни икки тарафлама, жумладан, Ўзбекистондан Туркманистонга енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари, қурилиш материаллари, маиший электр ва электр техника асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади. Туркманистондан мамлакатимизга нефть, газ конденсати, полипропилен, полистирол, бишофит, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш саноати маҳсулотлари, гиламлар етказиб бериш кўзда тутилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташрифни икки давлат ўртасида ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг мантиқий давоми, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, шунингдек, минтақавий ва халқаро микёсдаги муҳим муаммолар юзасидан фикр алмашиш имконияти сифатида баҳолаганликларини таъкидладилар. Музокаралар очиқлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги анъанавий тенг ҳуқуқлилик ва икки мамлакат халқлари манфаати йўлидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркманистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Гурбангули Бердимуҳамедовни ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга таклиф этди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент — Ашхобод — Тошкент*

**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

---

## Дунё нигоҳи

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:

# ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари вакиллари, эксперт ҳамда мутахассислар қатнашди.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Ўтган давр мобайнида икки давлат ўртасида бир неча бор олий ва юқори даражадаги ташрифлар уюштирилди ва ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги дўстона ҳамкорлик асосида минтақавий ва глобал микёсда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи ўзаро фойдали, узоқ муддатли алоқаларни ривожлантиришга бўлган муштарак интилиш мужассам.

Давра суҳбатидаги мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида давлатлараро муносабатлар ўрнатиш жараёнига юксак баҳо бердилар. Ўзбекистон — АҚШ мулоқотининг изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида 2002 йилда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланганини қайд этиш жоиз. Ҳозирги кунда давлатларимиз ҳамкорлиги ушбу декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида изчил тараққий этмоқда. Давра суҳбатида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқаларнинг устувор йўналишларини белгиловчи мазкур декларацияни амалга ошириш натижалари кўриб чиқилди, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

---

# Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти намойиши

*Жорий йилнинг сентябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида “IFTM Top Resa — 2012” ҳамда Япониянинг Токио шаҳрида “JATA Tourism Forum & Travel Showcase — 2012” халқаро сайёҳлик кўргазмалари бўлиб ўтди.*
*Мазкур кўргазмаларда юртимизнинг туристик салоҳияти кенг намойиш этилди.*

## Кўргазма

Ўзбекистон сайёҳлик ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимизда сайёҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит мавжуд, соҳа йўналишлари тобора кенгаймоқда. Жумладан, республикамизда сайёҳликнинг тарихий-меъморий, сафари, спорт, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, соғломлаштириш, маданий ва маърифий каби турлари изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатларида сайёҳлик соҳасида ўтказиладиган қатор нуфузли халқаро кўргазма, ярмарка ва фестивалларнинг фаол иштирокчисидир. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси юртимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга танитишда дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Франция ва Японияда ўтказилган сайёҳлик кўргазмалари Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун қулай имконият бўлди.

“IFTM Top Resa — 2012” ҳамда “JATA Tourism Forum & Travel Showcase — 2012” дунёдаги нуфузли халқаро кўргазмалардан ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ушбу кўргазмаларда юзга яқин мамлакатдан ўн мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ҳамда олимлар қатнашган. Мазкур тадбирлар сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этди. Уларда бизнес, экзотика, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соғломлаштириш каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар иш олиб борди.

Франция ва Японияда ўтказилган нуфузли туризм форумларида Ўзбекистон миллий стенди ўзининг бетакрор дизайни билан кўргазмалар иштирокчилари ва меҳмонлари эътибори марказида бўлди.

(Давоми 2-бетда).

---

## Дил сўзи

*Бугун биз, ўқитувчилар ҳаётимиздан, ишимиздан ҳар қанча мамнун бўлсак арзийди. Боиси, касбимиз қадрланиб, камтарона меҳнатимиз юксак баҳоланаяпти. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган беқиёс ислоҳотлар, мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.*

# Бурч ва масъулият

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча ўқитувчи ва мураббийларга йўлланган байрам табригида шундай дейилади: “Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳолонки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2-5 фоиздан ошмайди”. Мана шу рақамнинг ўзиёқ юртимизда таълим соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар халқаро миқёсда тан олинаётганлиги бежиз эмаслигини англатади.

(Давоми 2-бетда).

---

# «Бунёдкор» — биз яратган яна бир мўъжиза

*Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада спортимиз ҳаётида, қолаверса, мамлакатимиз тарихида катта воқеа — Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимизда барпо этилган замонавий, гўзал ва бетакрор “Бунёдкор” спорт мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

## Ифтихор

Тадбирда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, жумладан, шундай деди: “Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдиради, десам, адашмаган бўламан”.

(Давоми 4-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:
# ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини қайд этди:

— Мамлакатларимиз ўртасида ўн йил аввал имзоланган декларация ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча асосий йўналишларини ўзида мужассам этган. Декларация турли соҳалар, жумладан, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодий-ижтимоий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатдир. Ўйлайманки, мазкур декларацияни амалга ошириш доирасида ҳамкорликда жуда кўп иш қилишга муваффақ бўлдик ва бу борадаги ишларимизни давом эттиришимиз зарур. Барак Обама президентлиги даврида декларация асосида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг янги механизмлари ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасида ҳар йили маслаҳатлашувлар ўтказишни назарда тутади. Жорий йилнинг август ойида сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи davraси бўлиб ўтди. Бу жараён асносида ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш омилларини белгилаб олиш имкониятига эга бўламиз. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш учун жуда қулай муҳит мужассам.

Американик экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат сифатида минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Муҳокама чоғида терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тартибини ва чегаралар хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда самарали амалий ҳамкорлик олиб борилаётгани қайд этилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорлик ҳамда қулай сармоявий муҳит савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда американик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 240 дан зиёд корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди.

Жорж Крол Ўзбекистонда ривожланишнинг катта истиқболларига эга улкан иқтисодий салоҳият мавжуд эканини ва бу американик сармоядорларнинг мамлакатимизда бизнес юритишга қизиқишини ошираётганини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонда 1997 — 2000 йиллар давомида АҚШнинг дипломатик миссияси раҳбари сифатида фаолият юритганман, — деди АҚШ элчиси Жозеф Пресел. — Ўзбекистон пойтахти 15 йил аввалгига нисбатан таниб бўлмас даражада ўзгарган. Шаҳар кўчалари тозалиги ва автомобиллар қатновининг кўпайгани билан эътиборни тортади. Бу аҳоли фаровонлигининг ошаётганидан далолатдир. Бугунги кунда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар фаол ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ва изчил ривожланаётган ҳамкорлик улкан истиқболга эга, деб ўйлайман.

Давра суҳбатида Ўзбекистон иқтисодиётининг машинасозлик, металлни қайта ишлаш, энергетика, нефть ва газ қазиб олиш, кимё саноати, электр техникаси ва тоғ-кон саноати каби тармоқларига АҚШ компанияларини жалб этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Икки мамлакат муносабатларида гуманитар ҳамкорлик, хусусан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш каби соҳалар алоҳида аҳамиятга эга. Иштирокчиларнинг сўзларига кўра, икки давлат илмий тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш гуманитар ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиши мумкин.

Элчи Жорж Кролнинг таъкидлашича, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик нафақат давлатлараро алоқаларни ривожлантириш, балки халқларимиз ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, бу борада икки мамлакат фуқаролик жамияти институтлари ҳамда қонунчилик органлари ўртасида изчил ривожланиб бораётган самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун фойдали эксперт майдони бўлиб хизмат қилувчи бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Батафсил ва конструктив баҳс-мунозаралар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик руҳида янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

## Парламент ҳаёти

*Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда оиланинг ролини оширишга бағишланган анжуман ўтказилди.*

# Экологик тарбия оиладан бошланади

Фуқароларнинг экологик маданиятини шакллантиришда оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва таълим муассасаларининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш масалалари муҳокама қилинган тадбирда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманда алоҳида таъкидланганидек, жамиятда экологик маданиятни шакллантириш халқ хўжалиги ривожланаётган, табиий ресурслардан фойдаланиш мунтазам ўсаётган бир шароитда ўта муҳимдир. Зотан, атроф-муҳитга бўлган умумий ҳуқуқни амалга оширмай туриб, фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг ҳар бир аъзосидан табиий муҳитга масъулиятли муносабатда бўлишни талаб қилади.

Анжуманда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берадиган тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилгани айтиб ўтилди.

— Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлатимиз экологик сиёсатининг асосий мақсади бўлиб, у аҳолининг экологик маданияти, билимларини оширишни назарда тутади, — дейди сенатор Х. Каримов. — Бугун мамлакатимизда бу борада изчил чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Чунончи, экологик таълим концепциясини амалга ошириш бўйича тадбир доирасида фуқароларнинг экологик билимларини, маҳоратлари, қарашлари ва қадриятларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда 2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурида экологик таълимни ривожлантириш масалалари ҳам тўлиқ қамраб олинган. Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга оширилаётгани, парламент назорати институтидан самарали фойдаланилаётгани бу борада қўл келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, экологик таълимни изчил олиб боришда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир. Биргаликда турли форумлар, конференциялар, учрашувлар, семинарлар ва акциялар уюштирилаётгани, уларда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари кенг муҳокама қилинаётгани айни муддао бўлмоқда.

Тадбирда узлуксиз таълим ва экологик маданиятни шакллантиришда, умуман, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда оила институти муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Негаки, инсон феъл-атвори, атроф-муҳитга муносабати, табиат неъматларини авайлаб-асраш ҳисси оилада шаклланади. Бу, айниқса, оила аъзолари хатти-ҳаракатларида, тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён-захмат етказмай муносабатда бўлишида акс этади. Шу боис оилада экологик маданият ва таълимни ривожлантириш атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фуқароларнинг масъулиятини оширади.

Анжуманда болаларда экологик тушунчани шакллантириш учун оиланинг ролини янада ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бундай хайрли ишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Зеро, табиатга ҳамда атроф-муҳитга онгли ва тежамли муносабатда бўлиш, сувдан, ердан ва табиатнинг бошқа ноёб неъматларидан оқилона фойдаланиш азалдан халқимизга хос фазилатдир.

Анжуманда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати**
**Матбуот хизмати.**

---

# Бурч ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йигирма беш йилдирки, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида меҳнат қилиб келмоқдаман. Ўғил-қизларимизнинг замонавий билимларни пухта эгаллашлари учун яратиб берилган кенг имкониятлар, жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фан ютуқларидан, янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганимиз ўқитиш сифатининг ошишида муҳим омил бўлаётир. Масалан, ўзим ҳам информатика фанидан ёшларга сабоқ бериш билан бирга, ушбу фан бўйича кўплаб ўқув-услубий ва тест тўпламлари тайёрлашга эришдим.

Касб байрамимиз арафасида эълон қилинган Президентимиз Фармонида ўз исм-шарифимни кўриб, тўғриси, қаттиқ ҳаяжонландим. Камтарона меҳнатимни "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган юксак шарафга лойиқ кўрган Юртбошимиздан миннатдорман. Ушбу унвон касбдошларимга, барча зиёлиларга кўрсатилган ғамхўрлик, деб биламан. Катта масъулият билан ишга ёндашишим лозимлигини чуқур ҳис қилган ҳолда, ёшларимиз келажаги йўлида бор кучимни, билимимни сафарбар этишга аҳд қилдим.

**Несебели**
**СЕЙТИМБЕТОВА,**
**Нукус политехника касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси.**

---



## Ислоҳот

*Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек, ўсимликларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишда кимёвий препаратларнинг аҳамияти катта. Шу боис Маҳаллийлаштириш дастури доирасида мазкур йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаяпти.*

# Инновациялар, янги технологиялар ва замонавий менежмент

### аграр соҳа равнақини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Навоий шаҳридаги "Электрокимёзавод" қўшма корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур йирик саноат мажмуасида айни пайтда 70 турдаги кимёвий препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда корхонада амалга оширилган модернизация ишлари маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш имконини берди. Бу ерда, масалан, кукун кўринишидаги дори воситаларини тайёрлашда Германиянинг "Лурги" фирмасидан келтирилган қурилма, эмульсия ва суюқ ҳолдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда эса 5 та замонавий технологик линиядан фойдаланилаяпти.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда корхонанинг хориж компаниялари билан йўлга қўйган ҳамкорлиги қўл келмоқда. Хусусан, Япониянинг "Сумитомо", Буюк Британиянинг "Кромптон", Германиянинг "BASF", Швейцариянинг "Сингента", АҚШнинг "FMS" ҳамда Венгриянинг "Агро Кеми" компаниялари "Электрокимёзавод"нинг чет элдаги бизнес шериклари ҳисобланади.

— Маҳсулотлар сифатини доимий равишда назорат қилиб борамиз, — дейди корхона бошқаруви раиси Эркин Сатторов. — Бунинг учун махсус лабораториялар ташкил этилган. Улар дунёнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган лазерли анализатор, ротационли вискозиметр, ультратовушли ванна, хроматограф каби замонавий ускуналар билан жиҳозланган.



Маълумки, янгиликка интилиш — бизнес юритишнинг муҳим шартларидан бири. Шу боис янги маҳсулот турларини ўзлаштириш завод мутасаддиларининг доимий эътиборида. Бу борада корхона жамоасининг республикамиздаги бир қатор илмий-текшириш институтлари билан биргаликда ҳаётга татбиқ этаётган истиқболли лойиҳалари катта самара бераётир. Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш институти олимлари билан ҳамкорликда 12 фоизли "Далброн" кимё ўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани шу каби ҳамкорликлар самараси, дейиш мумкин. Эътиборлиси, мазкур препаратнинг яратилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди. Қолаверса, 25 фоизли "Циперметрин" ҳамда 50 фоизли "Карбофос" доривор маҳсулотлари ҳамда фосфор-калийли ўғитнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши мамлакатимиз деҳқонларига мўл ҳосил етиштиришда кўмак бераяпти.

Умуман, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида корхона жамоаси томонидан қарийб 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, юртимизнинг барча ҳудудларига етказиб берилди. Бу эса аҳоли дастурхонини сифатли ва сархил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришда муҳим омил бўлаётир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган суратлар.**

---

# Ахборот коммуникациялари ва тараққиёт

*Тошкентда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан илмий-амалий анжуман ташкил этилди.*

Тадбирда юртимизда ахборот телекоммуникация, мобиль алоқа, рақамли телевидение, интернет хизматлари ривожи, уларнинг салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сиёсий модернизация, давлатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал равнақ топтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида компьютер техникаси билан жиҳозланганлик даражаси 75 фоиздан зиёд, қоғозсиз ҳужжат айланиши бўйича кўрсаткич эса 80 фоиздан юқоридир. Қолаверса, деярли барча давлат органлари глобал тармоқда ўз расмий веб-сайтларига эга. Электрон рақамли имзо эгаларининг сони 280 мингдан ошиб кетган. Айни чоғда мингга яқин интернет хизматлари кўрсатувчи провайдерлар, 1050 та интернетдан умумий фойдаланишдаги пункт, 1026 та ахборот-кутубхона фаолият юритаётган бўлса, 195 та давлат ахборот ресурси яратилган. Аҳолига қарийб икки юз турдаги интерактив хизматлар тақдим этилмоқда.

Кўриниб турибдики, юртимиз иқтисодий салоҳиятининг барқарор суръатлар билан ўсиб боришида ушбу жабҳанинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораяпти. Булар алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги компания, корхона-ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси жадал суръатлар билан ошиб бораётгани, янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳалар кенг рўёбга чиқарилётгани мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг шу йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлди.

Тадбирда давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш, равнақ топтириш, уларнинг бири-бирига мослиги, ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш, интернет ва ахборот манбалари, хизматлари ҳамда технологиялари бозорини янада тараққий эттириш принциплари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди. Айни чоғда давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимларининг босқичма-босқич интеграциялашуви асосида Миллий ахборот тизимини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, дастурий таъминот индустрияси имкониятларини кучайтиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда, шунингдек, 2012 — 2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш дастурининг бажарилиши бўйича атрофлича ахборот берилди. Жумладан, тадбиркорлик ва тижорат фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, бу борадаги илмий тадқиқотлар натижалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, тизимлаштириш ва сақлаш, уларни амалиётга жорий этиш самараси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида йиғма электрон каталогни яратиш ҳамда тўла матнли маълумотлар электрон базасидан фойдаланиш жараёнларига тўхталиб ўтилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

---

## Концепция: устувор вазифалар

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Тошкент давлат юридик институти ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари томонидан "Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда қонунийликни ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш: процессуал механизмларни такомиллаштириш ва демократлаштириш" мавзуида халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.*

# Юксак инсонпарварлик тамойиллари

### суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда мутасадди идоралар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, хорижлик экспертлар қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепция бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги, унда истиқлол йилларида юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида юз берган ўзгаришлар тизимли ҳамда кенг кўламда акс эттирилиши лозимлиги ҳар томонлама асослаб берилган. Хусусан, 1994 йилда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтган йиллар мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунга қарамай, унинг янги таҳририни қабул қилишни, унда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган принципиал ўзгаришларни тўлиқ қамраб олишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис тадбирда маъмурий жавобгарлик соҳасида қонунчилик базаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни мазкур йўналишда яхлит норматив базани шакллантирувчи ягона манба сифатида белгилаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Концепциядан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор янгиликлар киритиш айни муддаодир, — дейди Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори ўринбосари Мухтор Ҳакимов. — Бунда, аввало, жиноят қонунчилигини либераллаштириш — айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Шундан келиб чиқиб, тадбирда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал тартибини суд назоратини кучайтириш йўли билан такомиллаштириш, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилаш, маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чоралари институтини янада ривожлантириш, фуқаролик ва жиноят процессида самарали қўлланилаётган институтларни маъмурий иш юритувга татбиқ этиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан эскирган нормаларни чиқариб ташлаш ва бошқа масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Дарҳақиқат, кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик унификациялашуви, яъни бирхиллашувини таъминлайди. Айни чоғда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмини такомиллаштириш, демократлаштириш ҳамда соҳада қонунийликни таъминлаш имконини беради.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчил кузатиб келаман, — дейди Япониянинг Рюкоку университети профессори Хонда Такио. — Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари долзарблиги ҳамда бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан эътирофга сазовор. Хусусан, жиноят қонунчилигини либераллаштириш — бир қатор жиноят турларини маъмурий юрисдикцияга ўтказиш хусусидаги ғояси инсонпарварлик тамойилларига мослиги билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Шунинг ўзиёқ юртингизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари умуминсоний принципларга нечоғли мутаносиб эканлигидан далолат бериб турибди.

— Мамлакатингизда маъмурий жавобгарликнинг қонунчилик базасини шакллантириш борасида кўп ишлар амалга оширилганидан хабарим бор, — дейди Германия халқаро ҳамкорлик жамияти дастури раҳбари Йорг Пуделька. — Эндиги вазифа, семинар иштирокчилари томонидан эътироф этилганидек, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, яъни унинг яхлит базасини шакллантиришдан иборатдир. Бунда, албатта, халқаро ҳамкорлик доирасида ташкил этилган бугунгидек илмий-амалий тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, семинарда маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ халқаро тажрибалар хусусида қимматли фикрлар билдирилди. Бу эса қонун ижодкорлиги жараёнида қўл келади. Қолаверса, бундай кенг кўламли ҳамкорликдан биз ҳам манфаатдормиз. Негаки, бу ерда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда халқаро тажриба билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик.

Тадбирда судларда маъмурий ишларни кўриб чиқиш, Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ҳамда судлар фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда ёрқин миллий матолар, мамлакатимизнинг гўзал масканлари тасвирлари, тарихий обидалар ёрдамида юртимизга хос муҳит яратилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, турли буклет ва нашрлар сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

"IFTM Top Resa — 2012" ҳамда "JATA Tourism Forum & Travel Showcase — 2012" халқаро сайёҳлик кўргазмаларида мамлакатимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", "Afsona Travel", "Orient Voyage", "Megatour", "Asiatour" ва бошқа компания ҳамда фирмалари иштирок этди.

"Ўзбектуризм" компаниясидан маълум қилишларича, ушбу халқаро кўргазмалар жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнес ривожининг тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш имконини берган.

**(ЎзА).**

# Жаҳон киноси намояндалари – Тошкентда




*Пойтахтимиздаги “City Makon” маданий-маърифий кўнгилочар марказида “Олтин Гепард” иккинчи халқаро Тошкент кинофорумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.*

## «Style.uz — 2012»

Анъанага кўра, бу гал ҳам халқаро киноанжуман “Фонд Форум”нинг маданият ва санъат йўналишидаги йирик лойиҳаларидан бири саналган “Style.uz” ҳафталиги доирасида ўтказилаётир. Унда жаҳонда таниқли ўнлаб ижодкорлар, юртимиз кино санъати намояндалари, актёр ва режиссёрлар, санъатшунос олимлар ҳамда хорижлик меҳмонлар қатнашмоқда.

— Кинофорумга Осиё, Европа, Африка, Жанубий ва Шимолий Американинг 45 дан зиёд мамлакатларидан 500 га яқин фильмлар тақдим этилди, — дейди “Олтин Гепард” халқаро кинофорумининг бош директори Акбар Ҳакимов. — Ижодий анжуманда тўлиқ ва қисқа метражли, бадиий ҳамда анимацион фильмлар намойиш қилинади. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ушбу нуфузли тадбир миллий киносаноатимиз ютуқларини янада кенг тарғиб қилиш, юртимиздаги ижодкорлар ҳамда жаҳон санъати вакилларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, қолаверса, ёшларимизни умумбашарий ғоялар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ўтган йилги кинофорумдан сўнг ёшлар орасида нафақат бадиий киноасар, балки ҳужжатли фильмлар борасида ҳам ўзини синаб кўрганлар кўпайди. Ишончимиз комилки, бу йил ҳам янги фильмлар тақдимоти, хорижлик таниқли санъаткорлар ҳамда продюсерларнинг сабоқлари, илмий анжуман ва мулоқотлар ўзига хос маҳорат мактаби бўлади.

— Юртингизда йирик халқаро маданий тадбирларни ўтказиш анъанага айланиб бораётгани бизни қувонтиради, — дейди кинофорумнинг ҳакамлар ҳайъати аъзоси, хитойлик машҳур рассом ва сценарийнавис Чжоу Ачэн. — Чунки кинематография соҳасида ижод қилаётган санъаткор учун бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблар билан тажриба алмашиш, фикрлашиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, мен учун ўзбек киноси ютуқлари билан яқиндан танишиш, бу ердаги ёш режиссёрлар ижодини ўрганиш жудаям қизиқ. Негаки, юртингиз ёшларининг жаҳон миқёсидаги кинофестивалларда муносиб иштирок этаётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез эшитиб турибмиз. Табиийки, мамлакатингизда санъатга эътибор, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ибрат олса арзигуликдир.

Кинофорум доирасида танловдан ташқари фильмлар тақдимоти, илмий анжуман, гала-намойиш, давра суҳбати, жонли мулоқот сингари турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Халқаро театр фестивали

*Ўзбекистон ёшлар театрида “Theatre.uz/2012” учинчи халқаро театр фестивали очилди.*

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда санъат соҳасига ҳам юксак эътибор қаратилди. Жумладан, мавжуд қирққа яқин театр учун замонавий бинолар барпо этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, зарур саҳна, мебель, техника воситалари билан таъминлаш ҳамда ижодкорлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бир қатор ижодий ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган “Тошкент баҳори” халқаро театр фестивали, ёш драматурглар, режиссёрларнинг “Дебют” кўрик-фестивали, “Сени куйлаймиз, замондош!” ижодий танловлари алоҳида аҳамият касб этаётир. Айниқса, “Theatre.uz” халқаро театр фестивалининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораяпти. Ушбу санъат анжуманида юртимиз ва хорижлик саҳна санъати ижодкорларининг ўзаро мулоқоти, фикр ва тажриба алмашиши ижодий ҳамкорликни тобора кенгайтираётир. Фестивалда Марказий Осиё мамлакатлари, Болгария, Исроил каби давлатларнинг театр жамоалари энг сара саҳна асарларини томошабинларга тақдим этади. Санъат ихлосмандлари Тошкент шаҳридаги театрлар, театр-студиялар, вилоятлардаги ижодий жамоалар репертуаридаги спектакллар билан танишиш имконига эга бўладилар.

Бу йилги халқаро фестиваль доирасидаги тадбирларда томошабинни спектаклни яратиш жараёни, театр ижодкорларининг бу йўлдаги машаққатли меҳнати билан атрофлича таништиришга алоҳида эътибор қаратилади. Фестиваль кунлари янги спектаклларнинг намойиши, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари бўлиб ўтади.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, нуфузли санъат анжуманларида қатнашганман. Лекин ҳеч бир юртда санъатга Ўзбекистондагидек юксак эътиборни кўрмаганман, — дейди Буюк британиялик режиссёр Полл Хартман. — Юртингизда бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, эзгу ташаббусларга гувоҳ бўлиб ҳайратландим. Бу нафақат истеъдодларни кашф этишда, шу билан бирга, томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган саҳна асарларини яратишда муҳим омил бўлиши аниқ.

“Style.uz — 2012” санъат ҳафталиги доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Theatre.uz/2012” учинчи халқаро театр фестивали Ўзбекистон ёшлар театрининг “Алвон елканлар” спектакли билан бошланди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг

***савдолар залида 2012 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борувчи очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект сотувга қўйилганини маълум қилади:***

Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 11 июндаги 14-1213/5438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғони, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдонининг юзаси — 480,57 кв.м., қурилиш ости майдонининг юзаси — 477,62 кв.м., фойдаланиш майдонининг юзаси — 425,5 кв.м. бўлган 9 хонадан иборат савдо дўкони ҳамда Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғони, 71-уйда жойлашган, 100/21,66% фоизини ташкил қиладиган, умумий ер майдонининг юзаси — 61328,54 кв.м., қурилиш ости майдонининг юзаси — 1130 кв.м., фойдаланиш майдонининг юзаси — 1079,68 кв.м., 5 хонадан иборат «З» литердаги омборхона ва «И» литердаги цех биноси.

***Бошланғич баҳоси — 291 938 790 сўм.***

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Суд ижрочиларининг Самарқанд шаҳар бўлими томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 189-сонида чоп этилган хабарнома билан «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, «Sugdiyona Golden Tour» МЧЖга тегишли Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 48-уйда жойлашган бинонинг очиқ аукцион савдоси вақтинча тўхтатилганини маълум қилади.

***Асос:*** Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлимининг 2012 йил 27 сентябрдаги 30/21557-сонли хати.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй.**
**Телефон: (8-366) 229-03-12, 229-65-88 (мўлжал: Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.)**

1646А/477

## «FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида жойлашган 2000 тонналик музлаткич ускуна ва жиҳозлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 520 016 600 сўм***

***Аукцион савдоси 2012 йил 19 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган мулк билан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 17 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

1645R/1441

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 14 ноябрдаги 361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 1-уйнинг 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 69 203 970 сўм.***

**2.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалламаган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 121 124 262 сўм.***

**3.** Паркент тумани СИБ томонидан 2011 йил 28 январдаги 1-268/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Хисарак қишлоғида жойлашган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 2 158 000 сўм.***

**4.** Паркент тумани СИБ томонидан 2011 йил 28 январдаги 1-268/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Алишер Навоий кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 092 000 сўм.***

**5.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 2 декабрдаги 12963-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Чамбил 2-кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 445 492,981 сўм.***

**6.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 майдаги 6237/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, Селекция маҳалласида жойлашган қурилиш тикувчилик устахонаси.

***Бошланғич баҳоси — 50 539 500 сўм.***

***Аукцион савдолари 2012 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

**7.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 7027-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Қодиров кўчасида жойлашган 235-уй.

***Бошланғич баҳоси — 86 321 265 сўм.***

**8.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 7172-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-уйда жойлашган ишлаб чиқариш комплекси.

***Бошланғич баҳоси — 2 534 477 931,47 сўм.***

***Аукцион савдолари 2012 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги мулклар 2012 йил 5 ноябрь кунги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

*Лицензия: RR-0052.*

1649R/121

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, қурилиш эгаллаган майдони — 10781,75 кв.м., фойдаланиш майдони — 3960,30 кв.м. бўлган, 2000 тонналик замонавий совутқич бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 314 544 575 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 19 октябрь куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган мулк билан Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 17 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207 122 519.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Тел.: (8-373) 224-68-69.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1642R/1441

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 июндаги 11-1224/4591-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ФАРАЗ ЛТД» қўшма корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси 30-уйда жойлашган, умумий ер майдони — 3523,25 кв.м. бўлган таъмирталаб, қаровсиз ҳолда қолган маъмурий бино, 2 та омборхона, бостирма, қоровулхонадан иборат кўчмас мулк бино иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 464 891 400 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 22 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 19 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.**
**Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1648R/1441

Tsh 64-20438253-01: 2011

*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:* ООО «TAYFUN PLASTIK»



Ф/О — безналичный расчет

# ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*

# КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков, из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

291R/161

# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



## ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

130R/97

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини**
**15 октябрдан**
**кечиктирмай тўлашни унутманг!**

1616R/1133

*Давлат Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати*

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

***Россия Федерациясининг йирик ойна ишлаб чиқарувчи корхоналари: Нижегород вилояти, Борск шаҳридаги «Эй Джи Си Борский стекольный завод» ҳамда Клин шаҳридаги «Эй Джи Си Глас Клин» очиқ акциядорлик жамиятлари билан тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган***

## ХК «AGRO MARKER PLUS» МЧЖ

Ўзбекистон бозорига



ойна ва кўзгулар етказиб беради.

**Тошкентдаги омборхонасидан сайқалланган (шаффоф) ойна таклиф қилади:**

1. 6 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 250 x 3 210 мм.;
2. 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 500 x 1 605 мм.;
3. Бронза рангли ойна (йодсимон) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 x 1605 мм.;
4. MNGE кўзгуси (намликка чидамли) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 x 1 605 мм.

**Шартномалар Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси орқали ҳам тузилиши мумкин.**

**Тел./факс: (8-371) 299-86-32, (+99890) 128-63-99. E-mail: agromarkerplus@mail.ru**

1587R/1114

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси масъул ходим Миракмал Мирахматович Миралимовга акаси

**Миржамол МИРАЛИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси жамоаси компания ходими

**Ҳамид БОТИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Ўсмирларимиз мундиалда иштирок этади

*Эронда давом этаётган футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг ярим финалчилари номи маълум бўлди.*

## Хушхабар

Эътиборлиси, қитъанинг энг кучли тўрт жамоаси сафидан ўзбекистонлик футболчилар ҳам жой олди.

Мусобақани “D” гуруҳида бошлаган Дилшод Нуралиев шогирдлари дастлабки ўйинда ҳиндистонлик тенгқурларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Кейинги учрашувда улар хитойлик ўсмирларга қарши майдонга тушиб, дуранг натижа қайд этдилар — 1:1. Гуруҳ босқичидаги охирги беллашувда сурияликларга кичик ҳисобда (0:1) имкониятни бой беришди.

Шундай бўлса-да, керакли очкони жамғара олган ҳамюртларимиз чорак финал йўлланмасини қўлга киритдилар. Бу босқичда улар Жанубий кореялик ёш футболчиларга қарши баҳс олиб боришди.

Айтиш жоизки, мазкур ўйинни кўтаринки руҳда ўтказган вакилларимиз учрашувнинг асосий вақтида ғалабага жуда яқин эдилар. Аммо ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда рақибларимиз тўп киритиб, орадаги мувозанатни тиклашди. Шу боис ғолиб номини аниқлаш учун пенальтилар серияси белгиланди. Унда вакилларимиз 5:3 ҳисобида зафар қучишди. Ўсмирларимиз бу орқали мусобақанинг ярим финалига чиқиш билан бирга, кейинги йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани ҳам қўлга киритдилар.

— Бу муваффақият мамлакатимизда футбол ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев. — Чунки мана кетма-кет иккинчи бор ўсмирларимиз жаҳон чемпионати иштирокчилари сафидан жой олмоқда. Ярим финалда кимга қарши ўйнашнинг бизга фарқи йўқ. Негаки, ҳар бир рақибга қарши алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Учрашувдан учрашувга ўйинимизни яхшилаб бораяпмиз. Шу боис шогирдларим галдаги баҳсда бугунгидан-да мазмунли ўйин кўрсатишига ишонаман.

Қитъа биринчилигининг ярим финалида ўсмирларимиз мусобақа мезбони — Эрон терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Ўйин бугун Тошкент вақти билан соат 18:30 да бошланади.

Иккинчи ярим финалда эса Ироқ ва Япония терма жамоалари ўзаро беллашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати, салоҳияти барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодалари эътирофга лойиқ. Ўзининг ноёб меъморий ечими, салобатию маҳобати ила алоҳида ажралиб турадиган “Бунёдкор” спорт мажмуасининг барпо этилиши ана шу йўлдаги навбатдаги далил қадам бўлди. Мазкур иншоот юртдошларимизнинг яна бир фахру ифтихори, ғурури рамзига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг жуда чуқур маънога эга бир гаплари бор: “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам”. Истиқлолимизнинг қутлуғ 21 йиллигида қад ростлаган, юртимизга ярашган “Бунёдкор” спорт мажмуаси тимсолида ана шу сўзлар яна бир карра ўз ифодасини топди.

# «Бунёдкор» — биз яратган яна бир мўъжиза

**Миржалол ҚОСИМОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва “Бунёдкор” футбол клуби бош мураббийи:**

— Шундай ажойиб ва муҳташам спорт мажмуасини бунёд этишга, унда барча шарт-шароитни яратиб беришга бош-қош бўлган Президентимиздан чексиз миннатдор эканлигимизни билдирмоқчиман.

Футбол туфайли дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлдим ва табиийки, улардаги спорт инфратузилмаси ҳақида ҳам яхши тасаввурга эгаман. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Бунёдкор” спорт мажмуасида яратилган шароитлар ҳеч бир жиҳатдан ривожланган давлатлардагидан қолишмайди. Ҳатто, устун томонлари ҳам жуда кўп. Масалан, мажмуа таркибида 7 та замонавий футбол майдони, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейн ва бошқа объектлар мавжуд бўлиб, улар мустаҳкам моддий-техник базага эга. Очиғи, илгарилари бундай имкониятларни тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик.

Албатта, юксак эътибор ва ғамхўрлик биз, мураббийлар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Шуни дилдан ҳис қилган ҳолда, истеъдодли футболчиларни тарбиялаб, Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга ҳисса қўшиш учун бор куч-ғайратимизни, салоҳиятимизни ишга соламиз.

**Равшан ЭРМАТОВ, ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками:**

— Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан барпо этилган муҳташам “Бунёдкор” спорт мажмуасининг очилишида иштирок этганимдан, айниқса, унинг таркибидаги замонавий стадионда ташкил этилган илк футбол учрашувини бошқарганимдан жудаям бахтиёрман. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:**

— “Бунёдкор” — энг зўри. Спорт мажмуасини айланиб чиқиб, ҳеч иккиланмасдан ана шу фикрга келдим. Президентимизнинг футболни ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари туфайли юртимизда шундай беқиёс ўзгаришлар рўй бераяпти, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Энди футболчиларимиз ушбу эътиборга муносиб бўлиб, мазмунли ўйинлари билан билдирилган ишончни оқлашлари, Ўзбекистонимиз номини янада улуғлаш йўлида бор маҳоратларини ишга солишлари лозим.

**Камолиддин МУРЗОЕВ, “Бунёдкор” футбол клуби ҳужумчиси:**

— Очилиш маросимида олган таассуротларимиз бир умрга ёдимизда муҳрланиб қолади. Мажмуадаги шарт-шароитларни айтмайсизми? Ҳатто, дунёдаги энг номдор айрим футбол клублари ҳам бундай имкониятларга эга эмас.

Ҳар бир футболчи мана шундай муҳташам стадионда тўп суришни, ажойиб голлари билан мухлисларни хушнуд этишни орзу қилади. Давлатимиз раҳбарига мингдан-минг раҳмат. Футболни ривожлантиришга қаратаётган эътиборлари туфайли бундай эзгу ниятлар рўёбга чиқмоқда.

Улкан эътиборга чиройли ғалабаларимиз билан жавоб қайтарамиз.

● Реклама ва эълонлар ●


ДИҚҚАТ, ФЕСТИВАЛЬ!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Terra Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар орасида «МАРДИ МАЙДОН» жонли ижродаги қўшиқлар фестивалини эълон қилади.

Фестиваль йўналишлари:
- эстрада;
- анъанавий ижрочилик;
- академик вокал.

**Фестивалнинг асосий шарти:** қўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади.

**Фестивалнинг асосий мезони:** қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестиваль лауреатлари 2012 йил охирида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.**

414R/286

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**2012 йил 6 ноябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

Косон тумани СИБ томонидан хатланган:

ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 18 июндаги 1-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган: 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами — 70 О 904 ВА, ранги яшил, бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами — 70 Н 075 АА, ранги олтинсимон қум тусли (золотисто песочний), бошланғич баҳоси — 29 000 000 сўм, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Ласетти» русумли, давлат рақами — 70 С433 DA, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 37 000 000 сўм, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Матиз» русумли, давлат рақами — 70 W 391 СА, бошланғич баҳоси — 17 000 000 сўм; ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 4 майдаги 1-82-сонли ҳукмига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли, давлат рақами — 70 М 461 СА, бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм, ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 13 июлдаги 14-88-сонли қарорига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган «BMW-320» русумли, бошланғич баҳоси — 8 700 000 сўм, ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 29 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, «Урал» русумли мотоцикл, бошланғич баҳоси — 700 000 сўм, ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 9 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21099» русумли, бошланғич баҳоси — 8 563 700 сўм; Касби тумани СИБ томонидан ЖИБ Касби тумани судининг 2010 йил 29 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Касби тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, фойдаланишга яроқсиз, бошланғич баҳоси — 7 838 000 сўм; Қарши шаҳри СИБ томонидан ФИБ Қарши туманлараро судининг 2012 йил 13 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри «Прогресс қурилиш сервис» МЧЖ божхона омборида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Форд-Мустанг» русумли, бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм; Қарши тумани СИБ томонидан ЖИБ Қарши тумани судининг 2012 йил 15 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами — 70 S 722 СА, бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.

2012 йил 6 ноябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 111-«А» уйда жойлашган «Дон — халқ ризқи» ОАЖ балансидаги 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами — 18 АА 970, бошланғич баҳоси — 3 855 349 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили, мулк эгаси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қашқадарё филиалининг ХОАТБ «Ҳамкорбанк»нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404932168012, МФО: 01031, СТИР: 302083379 ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99895) 505-55-34, Факс: 223-09-83.**

***Гувоҳнома № 004059***

1654R/

## Ўқишга таклиф этамиз!

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

«Педагогика ва психология» ҳамда «Психология» (фаолият турлари бўйича) қайта тайёрлаш курсига олий маълумотли тингловчиларни қабул қилади.

***Ўқиш муддати — 4 ва 9 ой.***

***Аттестация натижалари асосида давлат намунасидаги қайта тайёрлаш дипломи берилади.***

***Юридик шахслар — ишлаб чиқариш корхонасининг, идора ёки корпорациянинг, акциядорлик жамиятининг уч томонлама шартномаси асосида, жисмоний шахслар — икки томонлама шартнома асосида ўқишга қабул қилинадилар.***

***Вилоятлардан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланади.***

***Ҳужжатлар 2012 йил 10 октябргача қабул қилинади. Ўқиш 2012 йил 2 октябрдан бошланади.***




**Мазкур курсларда ўқиш истагини билдирганлар университет 3-биносидаги 4-23 хонага қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

- *олий маълумот тўғрисидаги диплом;*
- *дипломга илова;*
- *меҳнат дафтарчасининг нусхаси;*
- *паспорт нусхаси;*
- *4 дона фотосурот (3,5 x 4,5);*
- *086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома.*

**Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Телефон: (+99871) 215-67-71 Мўлжал: Бобур боғи.**

1653R/1084

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ**

*кафедралар бўйича қуйидаги бўш иш (вакант) ўринларига юқори малакали мутахассислар танловини*

***эълон қилади.***

**Хореография кафедраси бўйича:**
**— катта ўқитувчи - 1 ўрин.**

***Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил:**
**100031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-33-59, 256-36-91, факс: 256-24-36.**

1533A/1




**ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане**

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

420R/320

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

## «CHINOZ BALIQLARGA OMUXTA YEM TAYYORLASH KORXONASI» МЧЖ



***сифатли хом ашёдан балиқлар ва қорамоллар учун ҳар бир хўжаликка алоҳида мос келувчи рецепт асосида оқсилга бой донадор омихта ем ишлаб чиқаради.***

*Хўжаликдаги балиқ, қорамол ҳамда паррандани тўлиқ рациони, донадор омихта ем билан боқиш олинадиган маҳсулот ҳажмини 25 — 30 фоизга оширади, емлаш муддатини, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатни, маҳсулот таннархини қисқартиради, қилинган меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширади.*



**Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзообод» ҚФЙ.**
**Телефонлар: (+99893) 577-86-94, (+99894) 660-48-28, (+99871) 215-51-52. Факс: (+99871) 233-18-12.**

1234A/914



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 05.10 Топширилди — 05.40 1 2 3 4 5